O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 7-SENTABR ■ SESHANBA ■ 110 (27.285) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида юз берган фожиа жаҳон аҳлини ларзага солди. Бу мудҳиш воқеа террор балосининг мамлакат, миллат, ёш танламаслигини яна бир марта кўрсатди. Юзлаб гўдаклар, ўн гулидан бир гули очилмаган йигит-қизлар — мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар террор қурбони бўлди.

Шу муносабат билан Россияда 6-7 сентябрь кунлари мотам кунлари деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 сентябрь куни Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига, Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Элчихонанинг Таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

— Шимолий Осетиядаги террорчилик туфайли ўз яқинларидан айрилганларга ва жабрланганларга таскин-тасалли бериш, таъзия изҳор этиш учун сўз топиш қийин, — деди Ислом Каримов. — Бесланда юз берган воқеаларни кузатишнинг ўзи жуда оғир. Террор кулфати халқимизнинг ҳам бошига тушган. Шу боис бутун мамлакатимиз аҳли Россия халқи билан ҳамдард.

Президент Ислом Каримов Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин билан суҳбатда Ўзбекистон Россия билан ҳамиша — яхши кунларда ҳам, мусибатли дамларда ҳам бирга эканини таъкидлади.

**(ЎзА)**

## КИЧИК ОЛИМПИАДАНИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ

O'ZBEKISTON UNIVERSIADASI

Қадим Самарқандда мамлакатимиз олий ўқув юртлари спортчиларининг «Универсиада — 2004» мусобақаларининг тантанали очилиш маросими ўзининг гўзаллиги, шодликларию ҳаяжонлари кўлами кенглиги билан Олимпиада ўйинларидан кам эмаслигини кўрсатди.





**Бугун кўҳна ва навқирон Самарқанд байрам либосида, қувончлар оғушида. Республикамиз талаба-ёшларининг анъанавий III Универсиадаси муносабати билан қадимий шаҳар ва вилоятнинг Жомбой, Булунғур сингари бир қатор туманларида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Узоқ мозий силсиласидан ҳикоя қилувчи улуғвор тарихий обидаларига ҳамоҳанг кўплаб замонавий спорт иншоотлари, ўйингоҳлар барпо қилинди. Кўчалар атрофи ободонлаштирилиб, гулзорлар яратилди.**

**4 сентябрь куни Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов маънавий етук, жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи «Универсиада — 2004» мусобақаларини тантанали равишда очиқ деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўйинлар иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.**

**«Универсиада — 2004» мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.**

4-бет

## ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Олий Мажлисга сайловлар: Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим босқичи» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция мазкур академия ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Германиянинг Конрад Аденауэр, Фридрих Эберт жамғармалари билан биргаликда ташкил этилди.**

**Анжуманда халқаро экспертлар, халқаро ташкилотлар ва ижтимоий жамғармалар, Германия, Россия, Буюк Британия, Польша, Украина, Қирғизистон каби мамлакатларнинг турли жамоат ва давлат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва партиялар вакиллари иштирок этди.**

Бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган демократик фуқаролик жамиятини қуриш — ҳозирги даврда халқимиз олдида турган асосий вазифа, — деб таъкидлади конференцияни очар экан, Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев. Мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бу жараённинг мустаҳкам иқтисодий ва ҳуқуқий пойдевори яратилди. Мамлакатда демократиянинг янада ривожлантирилиши халқаро демократик тамойиллар ва миллий анъаналарни ўзаро уйғунлаштиришдан, халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда қонунчилик базасини мунтазам такомиллаштириб боришдан иборат. Жорий йилнинг декабрь ойида бўладиган икки палатали парламентга, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Бу сайловлар кўппартиявийлик ва ошкоралик руҳида ўтади.

Мамлакатимизда сайловларга кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, деди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. Комиссия зиммасига сайловларни самарали ташкил этиш ва қонун, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтказишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Ўзбекистон тарихида биринчи марта икки палатали парламент шакллантирилади. Унга бўладиган сайловлар аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Уларни ўтказишга, депутатликка номзодларга қўйилаётган талаблар тубдан ўзгарди.

Дунёнинг етакчи мамлакатларида демократия борасида кўп йиллик тажриба тўпланган. Уни ўрганиш ва миллий анъаналаримизни инобатга олган ҳолда қўллаш жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштиришга хизмат қилади, деб таъкидланди конференцияда.

Сайловлар қандай ташкил этилгани ҳар қайси мамлакатда демократия даражасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади, деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи Люкки Андерсен. БМТ Тараққиёт дастури 116 мамлакатда бу жараённи кузатиб бормоқда. Ўзбекистонда сайлов кампаниясига тайёргарликнинг бориши мамлакатда демократик ислоҳотлар давом этаётгани ва бўлғуси сайловлар бу йўналишда навбатдаги қадам бўлажагини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига доир барча асосий халқаро ҳужжатларни ратификация қилган, деб таъкидлади ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази бошлиғи вазифасини бажарувчи Пэр Нурмарк. Улар демократия, қонунчиликни ривожлантириш, эркин сайловлар ўтказиш, демократик институтлар ваколатларини кенгайтириш борасидаги мажбуриятларнинг давлатлар томонидан бажарилиши учун асосдир. Ўзбекистонда бу борадаги қонунчилик базаси сўнгги йилларда янада такомиллаштирилди. Бу жараённи ривожлантириш учун ЕХҲТ зарур ёрдам кўрсатишга тайёр.

— Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши Ўзбекистон учун жуда муҳим қарор бўлиб, демократик фуқаролик жамияти йўлидаги яна бир муҳим босқичдир, — конференцияда АҚШ Конгрессига сайловлар ҳақида маъруза қилган Американинг «UPI» ахборот агентлиги мухбири, эксперт Жон Дейлининг фикри ана шундай. — Бу йўналишда кўп иш қилинган ва айтиш керакки бундай салмоқли ўзгаришлар борйўғи 13 йилда — тарихан жуда қисқа даврда амалга оширилди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида давлатингиз демократия ва ривожланиш йўлидан тўғри бормоқда.

Конференцияда Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари сўзга чиқдилар. Хорижлик экспертлар эса ўз мамлакатларида сайловлар қандай ташкил этилиши тўғрисида сўзлаб берди.

Конференцияда асосий маърузалардан ташқари қизғин мунозаралар бўлиб ўтди. Турли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Айни пайтда барча чиқишларда бир фикр — юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги муҳим босқич эканлиги қайд этилди.

Таъкидлаш зарурки, яқин кунларда яна шундай қатор халқаро анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган. Умид қиламизки, улар ҳам очиқ мулоқот ва ҳамкорлик руҳида ўтади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида «Тараққиёт учун озиқ-овқатлар» дастури бўйича Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди. Шартнома АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Товар кредитлари корпорацияси вице-президенти К.Миллер ва Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси А.Комилов томонидан имзоланди.

Мазкур ҳужжат шартларига мувофиқ жорий йил мобайнида АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг 10 минг тонна ловия маҳсулотларини Ўзбекистонга грант асосида етказиб беради. Соя ловиялари қайта ишланиб, ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тендер савдолари йўли билан хусусий ва давлат тармоқларидаги корхоналарга сотилади.

Соя ловиялари савдосидан олинган миллий валютадаги даромадлар республика қишлоқ хўжалигида хусусий тармоқ роли ва улушини оширишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш, экологик тоза ва иқтисодий барқарор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари саноатини ривожлантириш учун сарфланиши кўзда тутилган.

1999 йилдан буён Ўзбекистон АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг имтиёзли дастурларида мунтазам равишда иштирок этмоқда. Шу вақт давомида мамлакатимизга қиймати 177,64 миллион долларга тенг турли хилдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

2002-2003 йиллардаги грант дастурлари бўйича маҳсулотлар савдосидан олинган маблағлар ҳисобига хусусий фермерлик хўжаликларини қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш, ирригацион тизимларни таъмирлаш ва ривожлантириш, сувни тежаш технологияларини жорий этиш, қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий инфратизилмаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш борасидаги дастурлар молиялаштирилмоқда.

Бемор болаларга ихтисослашган интернат мактаблар, меҳрибонлик уйлари ва боғчалари, касалхоналар, қариялар ҳамда ногиронлар уйларидаги 211 мингдан зиёд фуқароларни энг зарур сут маҳсулотлари билан беғараз асосда таъминлаш бўйича махсус дастур амалга оширилди.

**«Жаҳон» АА**

**ЎзХДП хабари**

## ҲАРБИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби иштирокида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий машғулотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов ва Олий Мажлис депутати Бўритош Шодиевалар иштирок этиб, Олий Мажлиснинг XV сессияси якунлари, мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва ЎзХДП дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда ҳарбийларни қизиқтирган қатор саволларга жавоб бердилар.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги 150-сон қарори билан тузилган Махсус комиссия томонидан қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларида тартиб ўрнатиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.**

**2004/2005 ўқув йилида қишлоқ хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилишни режалаштиришда Махсус комиссиянинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини такомиллаштириш бўйича таклифлари ҳисобга олинган — 28 бакалавриат йўналишидан 10 йўналишга ўзгартиришлар киритилди ва 7 мутахассислик бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилди. Шу билан бирга 7 янги истиқболли мутахассислик киритилди. Ўқитишнинг янги — фермер хўжалигини бошқариш йўналиши қабул қилинди.**

**Қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишларнинг аҳволига танқидий баҳо бериш бир қанча камчиликлар ва бузилишлар мавжудлигини кўрсатди, эскирган, ўз долзарблигини йўқотган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш давом этмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг малака даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Собиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ходимларининг 28 фоиздан ортиғи, шу жумладан факультетлар раҳбарларининг 44 фоизи ва кафедра мудирларининг 29 фоизи аттестациядан ўтмади.**

**Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда, Махсус комиссиянинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари бўйича бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторига ўзгартиришлар киритсин, уларни алоҳида «Қишлоқ ва сув хўжалиги» таълим йўналишига жамласинлар;

таълим йўналишларига қишлоқ ва сув хўжалигининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб тузатишлар киритган ҳолда бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторини ҳар уч йилда қайта кўриб чиқсинлар;

қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида янгидан жорий этилган — фермер хўжалигини бошқариш мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Ушбу муҳим устувор вазифани ҳал этиш учун:

2004/2005 ўқув йили мобайнида замонавий талабларга жавоб берадиган, фермер хўжалигини юритиш назарияси ва амалиёти билан уйғунлашган сифатли ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин;

ўқувчилар контингенти устун даражада ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўз малакасини контракт асосида оширишга тайёр бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари орасидан танлаб олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қайта ташкил этилган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини тегишли кафедралар, профессор-ўқитувчилар таркиби сони, талабалар контингенти ва моддий-техник база билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетига бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг ташкилий тузилмаси;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус филиали ташкилий тузилмаси;

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси;

Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд ва Андижон қишлоқ хўжалиги институтларининг уставларини белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин.

Махсус комиссия (Р.Азимов) Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг ташкилий-кадрлар хизмати билан биргаликда қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларини бошқаришнинг янгидан тасдиқланган тузилмаларини ва аттестация якунларини ҳисобга олган ҳолда раҳбар кадрларни ва профессор-ўқитувчилар таркибини, биринчи навбатда, проректорлар, деканлар, кафедра мудирларини танлашни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига факультетлар ҳузурида илмий тадқиқотлар жараёнига қобилиятли талабаларни фаол жалб этган ҳолда аграр фаннинг устувор йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари (илмий-муаммоли лабораториялар) ташкил этишга доир таклифлар киритсинлар.

7. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ ёшларини қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларида ўқишга жалб этиш учун 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари ҳузуридаги академик лицейларнинг ўқувчилари контингентини устун даражада қишлоқ мактабларининг битирувчилари ҳисобига шакллантирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари талабаларда мустаҳкам касб кўникмаларини шакллантириш, тажриба-ишлаб чиқариш синовлари ўтказиш ва илмий тадқиқотлар натижаларини жорий этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари қошидаги ўқув-тажриба хўжаликлари мақомини қайта кўриб чиқсинлар, уларга 300 гектаргача экин майдони бириктирилсин.

9. «Истеъдод» жамғармаси (Р.Қосимов) қишлоқ ва сув хўжалиги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибини мақсадли стажировка орқали қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни назарда тутсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 3 сентябрь

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Биз билган ва билмаган тарих**

# ОҒИР СИНОВЛАР ДАВРИ




### ХОРИЖГА ДАСТЛАБКИ ҲУКУМАТ ТАШРИФИ

Агар 1991 йилда собиқ СССР ҳудудида уюштирилган, содир этилган жиноятлар, миллатлараро низолар, можаролар, тинч аҳоли ўққа тутилиши, иттифоқдош республикаларга қўшин киритилишининг асл сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, улардан битта асосий хулоса келиб чиқади. Бу ҳам бўлса, иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка бўлган интилишларига чек қўйиш ва уларни марказ томонидан тайёрланган «сернитентлик», «суверенитет», «қардошлик» каби чиройли шиорлар билан ниқобланган, аммо моҳияти мустабид ва унитар тузум ташкил қилувчи шартномани имзолашга мажбурлашдан иборат эди.

Ўзбекистон раҳбарининг аввалбошданоқ мустақиллик йўлини танлаганлиги унитар, бошқача қилиб айтганда, мустабид тузум тарафдори бўлган собиқ марказнинг манфаатларига асло тўғри келмаган. Натижада, ўша тоталитар тузум даврида Ўзбекистон ва собиқ марказ ўртасида кескин қарама-қаршилик келиб чиққан. Муайян империяпараст кучлар турли ҳийла-найранглар, дағдағалар, вазиятни атайлаб кескинлаштириш, республикамизни иқтисодий жиҳатдан исканжага олиш, уни яккалаш, миллатлараро низоларни қўзғаш орқали ўз мақсадларига эришмоқчи бўлишган. Аммо, Ўзбекистон раҳбари бундай тазйиқларга қарамай, ўз қарорида қатъий турган.

1986-90 йилларда собиқ империя раҳбарияти барча иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистонга яна бир бор «тинчлик ва рўшнолик» ваъда қилган. Ўзбекистон раҳбари эса марказдагиларнинг асл мақсадларини фош этиб шундай деган: «**Марказнинг сиёсати чор Россияси ўтказган сиёсатдан кам фарқ қиларди. Республикамиз хомашё базаси бўлиб қолганди ва бундай ҳолга барча ташкилотлар, энг аввало КПСС Марказий Комитети билан иттифоқ раҳбар органлари асосий масала деб қарарди. Улар фақат бир нарсани билишарди. Мазкур минтақа пахта хомашёси билан таъминлаши керак, қолгани эса сувга чўкаётганларнинг ўз ихтиёридадир**».

Республикамиз раҳбариятининг Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатлари кучайган сари собиқ марказнинг Ўзбекистонга тазйиқи ҳам тобора таҳликали тус ола бошлаган. Марказий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатни атайлаб бузиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Одамлар онгига: «Сизлар марказсиз мустақил яшай олмайсизлар», деган тушунчани сингдиришган. Буларнинг барчасига жавобан юртимиз раҳбари бутун жаҳон аҳли олдида Ўзбекистон моҳиятан эски иттифоқ шартномасига ҳеч қачон имзо чекмаслигини, республикамиз тўла мустақиллик йўлини танлаганлигини ва уни ҳеч қандай куч бу йўлдан қайтара олмаслигини эълон қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1991 йил 17-19 август кунлари Ҳиндистон Республикасининг Вице Президенти Шанкар Даял Шарманинг таклифига биноан Ҳиндистонга расмий ташриф буюрган. Ўзбекистон раҳбарининг хорижга биринчи мустақил расмий ташрифи ўзбек давлатчилиги тарихида, халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган, асрлар мобайнида орзу қилиб келинган оламшумул воқеа ҳисобланади. Мустақил тараққиётимиз тарихига бағишланган туркум мақолалар муаллифи Аҳмад Тошхўжаевнинг «Сарбон ва Карвон» китобида таърифланишича, Ўзбекистон раҳбарини кутиб олиш учун Деҳлидаги Тавана тайёрагоҳи одамлар билан гавжум эди. Президент Ислом Каримов самолёт пиллапоясидан тушиши биланоқ ўнлаб журналистлар қуршовида қолган. Улар Ўзбекистоннинг янги раҳбари билан тезроқ танишишга интилган, мамлакатимиз ва халқимиз тўғрисида кўпроқ маълумот олиш мақсадида Юртбошимизга савол устига савол ёғдиришган. Ўша тарихий лаҳзаларда Президентимиз журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, шуни алоҳида таъкидлаганлар: «**Очиғини айтиш керак. Бу бизнинг хорижга биринчи мустақил ҳукумат ташрифимиздир. Бизни айнан Ҳиндистонга келишимиз ҳам асло тасодиф эмас. Бизнинг халқимиз ҳинд халқига жуда катта ҳурмат билан қарайди. Зеро халқингиз жуда қадимий тарихга эга тамаддун ва маданият соҳибидир. Биз бу юртга ўзбек халқининг буюк қўшниси билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги иродасини амалга ошириш учун келдик**».

Ҳиндистон раҳбарияти Ислом Каримовни Ўзбекистон Президенти сифатида катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди. Мамлакатдаги энг катта ва машҳур Ҳайдаробод саройи юксак мартабали меҳмонга қароргоҳ сифатида ажратилди.

Ташриф чоғида иқтисодий, савдо ва илмий-техник ҳамкорлик ҳамда сайёҳлик, спорт каби кўплаб соҳалар бўйича бир қатор муҳим битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳати нафақат ҳинд, инглиз ва рус тилларида, балки биринчи марта ўзбек тилида ёзилганида эди. Бу кейинги бир неча аср мобайнида ўзбек тилида битилган илк халқаро шартномалар бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга қилган расмий ташрифини мамлакат оммавий ахборот воситалари муваффақиятли деб баҳолаган. Ҳиндистон — Ўзбекистон алоқаларини кенгайтириш янги иттифоқ шартномаси доирасида бошқа совет республикалари билан тенг муносабатларни ривожлантиришга йўл очади деб таъкидлайди, етакчи «**Tayms of India**» рўзномаси.

Ҳиндистон раҳбарлари Ўзбекистон билан бир неча асрлардан бери давом этиб келаётган азалий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлашга интилмоқдалар, деб таъкидлаган эди Ҳиндистондаги «Айрес» газетасининг мухбири. Сиёсий ва иқтисодий муҳит чет эллар билан савдо, иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва мавжуд муносабатларни кенгайтириш учун имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иттифоқдош республикалар раҳбарларининг ичида биринчи бўлиб хорижга мустақил ва расмий ташриф буюрган. Шу пайтгача бирон-бир республика раҳбари ўз халқи номидан хорижга расмий ташриф буюришга ҳадди сиғмаган. Мустабид тузум бундай ҳаракатларни ўзбошимчалик деб баҳолаб, ҳар қандай шахсни янчиб ташлашдан ҳам тоймасди.

**Қуддус АЪЗАМОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари**

*(Боши ўтган сонларда.)*

*(Давоми бор.)*

---

**Спорт**

# БОЁВУТЛИКЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Халқимизда азал-азалдан йўл очиш, кўприк қуриш, сув келтириш, умуман, элнинг корига ярайдиган иншоотларни бунёд этиш катта савоб иш саналган. Куни кеча Боёвут туманининг аҳолиси ана шундай хайрли, савобли ишнинг натижаси — «Боёвут-1» жамоа хўжалигида бунёд этилган улкан спорт мажмуасининг очилишини катта тантана, байрамона руҳ билан нишонлади.

Қисқа вақт ичида қурилиб фойдаланишга топширилган мазкур спорт мажмуаси боёвутликлар учун ҳақиқий туҳфа бўлди. Мажмуадаги улкан стадион, волейбол, теннис, баскетбол ўйинлари учун махсус майдонлар билан бирга замонавий услубдаги тренажёр зали, сув ҳавзаси ҳамда ювиниш хоналари киши кўзини қувонтиради. Анчайин чеккароқ ва чўл ҳудуди ҳисобланган бу ерда шундай замонавий иншоотнинг қад ростлаши юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишларининг бир намунаси, Юртбошимиз даъватига жавобан чекка-чекка ҳудудларда ҳам спортни ривожлантириш сари қўйилаётган қадамлардан биридир.

Бугунги кунда Боёвут туман аҳолисининг 21768 нафари спортга жалб этилгани, 4567 кишининг спорт билан мунтазам шуғулланиб, яхши натижаларга эришиб келаётганлиги ҳам фикримиз исботидир. — Сирдарё вилояти ва туманимиз ҳокимлигининг ташуббуси билан бошланган бу иш хўжалигимиздаги жонкуяр фермерларнинг қўллаб-қувватлаши, ҳомийлиги, меҳнаткашларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига бунёд этилди, — дейди «Боёвут-1» ширкат хўжалигининг раиси, Ўзбекистон ХДП Боёвут туман кенгаши етакчиси Ғофуржон Алиев. — Ушбу мажмуанинг бунёд этилишига 180 млн. сўм сарфланиб, бу маблағнинг асосий қисмини хўжалигимиздаги йирик фермер хўжаликлари ҳамда қатор ташкилотлар ўз ҳисобларидан ажратдилар. Жумладан, «Аҳмадий», «Бекзод», «Жумабой ота», Раҳмонқул Гулмуродов бошчилигидаги каби фермер хўжаликлари ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Спорт мажмуасини туман ҳокими Эргашбой Дадабоев ва бир гуруҳ фаоллар тантанали равишда очиб, тадбирга таклиф этилган боёвутликларни туман ҳаётидаги ушбу ажойиб воқеа билан табрикладилар. Жумладан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов барчани бу улкан иншоотнинг ишга тушганлиги билан табриклаб, келажакда Боёвут ёшлари орасидан жаҳон, олимпия чемпионлари етишиб чиқишига ишонч билдирди.

Тадбирда, шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Эркаев, ЎзХДП МК котиби С.Усмонов, ХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби А.Қўчқоралиев ҳамда қатор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар. Мажмуанинг қурилишида жонбозлик кўрсатган қурувчиларга ва ҳомийлик қилган фермер хўжаликлар раҳбарларига совғалар топширилди. Спорт байрамида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Собиржон Мўминов, Асатулла Холиқов, ёш хонанда Дилшодбек Каттабеков ва «Сирдарё наволари» гуруҳи раққосалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ**

---

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 7 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 715,34 | 1 Польша злотийси | 282,89 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1838,76 | 1 СДР | 1515,55 |
| 1 Дания кронаси | 167,98 | 1000 Туркия лираси | 0,69 |
| 1 БАА дирхами | 281,87 | 1 Швейцария франки | 815,39 |
| 1 АҚШ доллари | 1035,22 | 1 ЕВРО | 1248,58 |
| 1 Миср фунти | 167,24 | 10 Жанубий Корея вони | 8,98 |
| 1 Исландия кронаси | 14,27 | 10 Япония иенаси | 93,80 |
| 1 Канада доллари | 797,49 | 1 Россия рубли | 35,42 |
| 1 Хитой юани | 125,08 | 1 Украина гривнаси | 194,91 |
| 1 Малайзия ринггити | 272,43 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

---

**Партиямиз фаоллари**

# ИШОНТИРИШ КУЧИ — ЮРАКДА



Майдонга анча-мунча халойиқ тўпланган эди. Шу куннинг ўткир муаммоларидан бири — мамлакатдаги экологик вазият муҳокама қилинаётган эди. Биров у деди, биров бу деди — ўртада тортишув, баҳс авж олди. Шунда даврада турганлардан бири, истараси иссиқ киши мулойим овоз билан сўз бошлади. Аниқ-тиниқ фикрлар, далиллар, чуқур ўйланган мулоҳазалар қизишиб бораётган халойиқни бироз тинчлантиргандай бўлди. Шу пайт одамлар орасидан бир чапани йигит отилиб чиқди.

— Сиз, ўзингиз ким бўласиз?..

Нотиқ бир лаҳза саросимага тушди. Бироқ дарҳол ўзини қўлга олиб, ён чўнтагидан хизмат гувоҳномасини чиқарди.

— Мен — журналистман! — деди мағрур оҳангда.

Чапани йигит гувоҳномадаги «Ўзбекистон телерадиосининг шарҳловчиси Собир Қурбонов» деган ёзувларни овоз чиқариб ўқиди. Жунбушга келиб турган халойиқнинг ҳовури бирдан босилди. Чунки улар деярли ҳар куни радио орқали турли мавзуларда чиқиш қилиб турган таниш шарҳловчисини учратган эдилар. Шундан сўнг суҳбат мароми ўзгариб ошкора, ўзаро марфаатдорлик, бир-бирига ҳурмат тусини олди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жонкуяр аъзоси, партия Марказий Кенгашининг бош маслаҳатчиси Собир Қурбоновни турли тоифадаги одамлар орасида — корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари, ўқув юртларнинг талабалари, ҳарбий қисм аскарлари даврасида кўп кўриш мумкин. У киши Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳақида сўз юритганда учрашувга ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси зўр иштиёқ билан тинглаётганларини кузатганман. Бу — нотиққа бўлган ишонч, ишонтириш санъатининг кучидир. Зеро ишонтириш кучи фақат юракларда яшайди. Шундай фазилатга эга бўлган кишиларгина ўзгаларнинг онги шуурига таъсир кўрсата оладилар.

Партиянинг ажойиб тарғиботчиси Собир Қурбонов жуда катта ҳаётий йўлни босиб ўтди. Бухородаги ўрта мактабни олтин медаль билан битириб, Москва Давлат университетида таҳсил олгани, она шаҳрига қайтгач педагогика институтида ўқитувчи, доцент бўлиб ишлагани, илм уммонидан жавоҳирлар қидириб тарих фанлари номзоди даражасига эришгани кечагидай ёдида турибди. Уларнинг ўзи узун бир тарих. Лекин мустақиллик йилларида унинг умри ўзгача мазмун ва моҳият билан бойиди, ҳаёти тамомила янги ўзанга бурилди: бутун фаолиятини Халқ демократик партияси ишига бағишлаганлар сафига қўшилди. Бинобарин, ХДП ташкил топган дастлабки йилларда жуда катта, кенг қамровли ташкилий-сиёсий ишлар амалга оширилганлиги бор гап. Бунга партиянинг дастурий ва мафкуравий ғоялари ишлаб чиқилганлиги яққол мисолдир. Ана шу қийин ва машаққатли ишда унинг ҳам ҳиссаси бор. Шунингдек, партиянинг экологик дастурини яратишда, партиянинг бўлиб ўтган уч қурултойи, ўнлаб анжуманлари ҳужжатлари тайёрлашда қанчалар тер тўкканини ҳамкасблари, партиядошлари жуда қадрлашади.

Собир ака ажойиб нотиқ, олим, сиёсатшунос, тарғиботчи бўлиш билан бирга бир неча китоб ва рисолалар, юзлаб мақолалар муаллифидир. «Янгича тафаккур ва ҳозирги дунё», «Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ташкил топиш ва фаолиятидан лавҳалар)» сингари рисолалари кўпчиликка маълум. Халқаро мавзулардаги сермазмун мақолаларини эса «Ўзбекистон овози» мухлислари яхши эслайдилар. Айниқса Ўзбекистон ХДПнинг мухтасар тарихига бағишланган рисолада партиямизнинг ташкил топиши, унинг дастурий ғоя, мақсад-муддаоси, сиёсий йўли ва амалий ишлари, кўп қиррали фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида далиллар ва шахсий кузатувлар асосида ҳикоя қилинади. Энг муҳими, муаллиф ушбу сиёсий ташкилотнинг тузилишига оид масалаларни мамлакатдаги, Ўзбекистон мустақиллик арафасида ва у қўлга киритилганидан сўнг рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ тарзда таҳлил этишга ҳаракат қилган. Шу жиҳатдан ушбу китоб партия фаоллари, тарғиботчилар ва умуман мамлакатимиз тарихи билан қизиқувчи китобхонлар учун яхши манба бўлди.

Катта ҳаётий ва китобий билимлар соҳиби Собиржон ака ҳозирда ҳам ўқиш ва ўрганишдан сира эринмайди.

— Бирор кун газета, журнал ёки китоб ўқимасам ўзимни қандайдир беўхшов, беҳаловат ҳис этаман дейди у. — Юз йил яшасанг, юз йил ҳам ўқи, деб бежиз айтилмаганда.

Оилада меҳрибон ота — уч фарзандни тарбиялаб вояга етказган, ўнлаб набираларнинг севимли бобоси Собиржон акани бугун дўсту биродарлари, сафдошлари, ҳамкасблари табаррук етмиш ёши билан муборакбод этмоқдалар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раҳбариятининг қутловида шундай сатрлар бор «Сизни муборрак ёшингиз билан табриклар эканмиз, Аллоҳ таоло берган умрни серфайз ва сермазмун ўтказишингизни, қалбингиздаги барча умид ва режаларингиз батамом рўёбга чиқиб, бахтингиз баркамол бўлишини истаймиз, умрингизга барака, ўзингизга мустаҳкам соғлик, фарзандларингизга комиллик, уларнинг оилаларига тинчлик, бахту саодат тилаймиз! Фарзандларингиз, набираларингиз, дўстларингиз ҳамда барча маслакдошларингиз бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлинг!»

Биз ҳам бу самимий тилакларга чин дилдан қўшиламиз.

**Норбобо ШАКАРОВ**

---

**Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг**

# КОНЦЕРТ ҚЎЙГАНИ УЧУН ИШДАН БЎШАТИЛДИ

## ЯҚИНДА ТАҲРИРИЯТИМИЗГА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИДАН ИККИТА АРИЗА ВА УНГА ИЛОВА ҚИЛИНГАН ИККИТА ҲУЖЖАТ КЕЛДИ…

Тўғриси, улар билан танишиб чиқиб, ҳайратга тушдик, кўнгилда оғир саволлар, хотиралар уйғонди. Агар қўлимизда аниқ ҳужжатлар бўлмай туриб, кимдандир бу воқеа ҳақида эшитганимизда, очиғи, сира ишонмасдик. Чунки, эски замонлар ўтиб кетганига 13 йил бўлди.

Бугун ҳаёт бошқа, одамлар бошқа, талаб бошқа. Пахта якка ҳокимлигига ҳам аллақачон чек қўйилган. Бир пайтлар пахтанинг қадри одамлар қадридан юқори қўйиларди. Пахта одамлар учун эмас, гўё одамлар пахта учун яшаётгандек эди. Ғўзага вақтида сув бермабсан, дефолиацияни вақтида қилмабсан, теримни сабабсиз кечиктираяпсан каби важлар билан одамларни ишдан ҳайдаш, ҳатто судлаш, қаматиш, сургун қилишларгача бориб етиларди. Ғўзага ишлов бериш пайтидан бошлаб, кеч кузгача, яъни «план» ошириб бажарилгунча, бир тола ҳам пахта чаноғида қолмагунча «пахтазор — зарбдор фронт»га айланарди. Етти ёшдан етмиш ёшгача, бошқача айтганда қимирлаган жон борки, ҳамма-ҳамма бу «фронт»га мажбуран сафарбар этиларди. Бу мавсумда ўйин-кулги, тўй-маърака ўтказиш тақиқланарди. Касби-коридан қатъи назар, ҳамма далага чиқиши, пахтакорга айланиши шарт эди. Мактаблар, олий ўқув юртлари ёппасига ёпиларди, саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар ярим қувват билан ишлашга ўтарди. Собиқ марказга фақат пахта, имкон қадар кўпроқ пахта керак эди. Пахтакор халқнинг соғлиғи, билими, маданий-маърифий ҳаёти эса марказни сира қизиқтирмасди. Аниқроғи, бу халқнинг билимдон, маърифатли бўлиши, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишидан Марказ манфаатдор эмасди.

Биз ҳали мустақилликка эришмай туриб, республикамизнинг янги раҳбари И.Каримов бундай бемаъниликларга, бедодликларга, пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш учун қатъий чора-тадбирлар кўрганди. Одамлар бошига кўп кулфатлар солган «план» деган бало-қазога барҳам берилди. Чек-чегарасиз пахта майдонлари қисқартирилди. Деҳқончиликни ернинг ҳолатига қараб қилишга эрк берилди. Пахтага эски замондагидек сиёсий тус берилмай реал режа бўйича ишлаш, қўшиб-чатмай бор ҳосилни топширишга киришилди.

Кейинги йилларда эса деҳқон-фермер хўжаликлари оммалашиб, Юртбошимиз айтганидек, ер ҳақиқий эгасига бериляпти. Бугун пахта майдонларининг аксарият қисми деҳқон-фермер хўжаликлари тасарруфида. Бугун ҳар ким ўз ишини ўзи қиладиган кун. Бу билан биз ҳеч ким пахтакорга қарашмасин, пахта фақат пахтакорга керак демоқчи эмасмиз. Қандай юмуш бўлишидан қатъи назар, бир-бирига ёрдам бериш, зарур пайтда ҳашар уюштириш халқимизга хос фазилат. Аммо, пахтани яна сиёсатга, «зарбдор фронт»га айлантириш ва уни инсон қадридан юқори қўйиш ҳоллари жамиятга фойда эмас, балки зиён келтиради, деган фикрдамиз.

Биз таҳририятга келган хатларга ортиқча муносабат билдирмай, уларни газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Хулосани ҳар ким ўзи чиқарар деган умиддамиз.

БИРИНЧИ ХАТ. Ўзбекистон ХДП Хўжайли тумани кенгаши биринчи котиби Раушан Зоировадан: «**Ушбу тушунтириш хати орқали шуни маълум қиламанки, 2004 йил 17 июнь куни туман партияси ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди. Унда бизнинг илтимосимизга биноан, туман маданият ишлари бўлими концерт дастури ташкил қилди. Туман ҳокимлиги шуни сабаб қилиб кўрсатиб, маданият ишлари бўлим мудири Пирлепесова Айтгулга тазйиқ ўтказа бошлайди ва уни сабабсиз ишдан бўшатади.**

**Бу масала бўйича туман ҳокими билан учрашмоқчи эдим. Бироқ у мени қабул қилмади. Сўнгра масалани ижобий ҳал этиш учун ёрдам сўраб Жўқорғи Кенгес қўмита раиси Х.Раимовга, маданият ишлари вазири Т.Давлетмуродовага оғзаки мурожаат қилдим. Ҳозиргача масала ҳал қилинмади...**

**Ушбу масалани ижобий ҳал қилишда ёрдам беришингизни сўрайман...»**

ИККИНЧИ ХАТ. Маданият ишлари бўлими собиқ мудири Пирлепесова Айтгулдан: **«1995 йилдан туман маданият бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаяпман. Туманимиз ҳаваскорлари республика кўрик-танловларида совринли ўринларни эгалламоқда. Меҳнатларим «Ўзбекистон маданий-маърифий ишлари аълочиси», «Мустақиллик нишони», «Қорақалпоғистон Республикасига меҳнати синган маданият ходими» мукофотлари билан баҳоланди.**

**2004 йил 17 июнь куни Ўзбекистон ХДП Хўжайли туман ташкилотининг конференцияси ўтказилди. ХДП туман кенгаши котиби Р.Зоированинг илтимосига биноан конференция қатнашчиларига концерт дастури кўрсатилди. Туман ҳокими Д.К.Султонов мени чақириб, «Сен ўзи қаерда ишлайсан, қаерга қарашлисан, менинг рухсатимсиз не учун концерт қўясан, ҳозир тушунтириш хати ёз, аризангни ёз, ишдан кет, яхшилик билан кетмасанг, вазирликка айтиб статья билан ҳайдатаман!», деди. Кечирим сўрадим. Тингламади.**

**24 июль куни ҳоким ёрдамчиси Ж.Артиқов чақиртирди. Мен «Бошқа ишга ўтказишингизни сўрайман» деб ариза ёзишга мажбур бўлдим. 2 июлда Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг мени эгаллаб турган лавозимдан бўшатиш ҳақида буйруғи чиқди. Менга буйруқдан кўчирма беришмади. Бошқа иш ҳам таклиф қилинмади...**

**Оилада 6 киши яшаймиз. Икки нафар фарзандим, келиним ва икки нафар неварам бор. Ҳаммаси менинг қарамоғимда.**

**...ишлашга бўлган ҳуқуқимни тиклашга ёрдам беришингизни сўрайман».**

**УЧИНЧИ ХАТ. «Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазири Т.Давлетмуродовга.**

**Хўжайли туман ҳокимлиги Хўжайли тумани маданият бўлим мудири А.Пирлепесованинг ўз лавозимига муносиб эмаслигини маълум қилади. Чунки, ҳозирги вақтда республика бўйича ғўза парвариши давом этмоқда. Шундай мавсум пайтида А.Пирлепесова ўз ходимларини туман ҳокимлигининг рухсатисиз далага чиқармай.., ўзбошимчалик билан туманда ўтказилаётган маросимларда концерт кўрсатмоқда. Туман учун ҳар бир кун қимматли бўлиб турган вақтда А.Пирлепесованинг бу ҳолатга эътиборсизлик билан қараб келаётганлиги бўлим мудири бўлиб ишлашига мос эмаслигини кўрсатди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда А.Пирлепесованинг ўз лавозимига муносиб эмаслигини кўриб чиқишингизни сўрайман.**

**Хўжайли туман ҳокими Д.Султонов».**

Ушбу хатга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги 2 июль куни Айтгул Пирлепесовани «**ўз аризасига мувофиқ бошқа ишга ўтиши муносабати билан 2004 йил 2 июлдан бошлаб эгаллаб турган лавозимидан бўшатилсин..**» деган буйруқни чиқарди.

Шу ўринда айрим мулоҳазалар хаёлга келади. Туман ҳокими — бутун бир туманнинг раҳбари, лидери, боши ҳисобланади. У барча соҳада одамларга тўғри йўл кўрсатадиган, керак бўлса ҳимоя этадиган, кадрларни асраб-авайлайдиган, нодавлат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар ривожланишига халақит берадиган эмас, балки уларни қўллаб-қувватлайдиган шахс эмасми?...

Маданият ишлари вазирлигининг масалага муносабати ҳам таажжубли. Вазирлик ўзининг тажрибали ходимини нега ҳимоя этмади? Буйруқ чиқаришдан олдин масалани ўрганиб чиқиши, керак бўлса туман ҳокимига ўз фикрларини айтиши лозим эмасмиди? Ёки ҳокимга қарши бориб, ўзимга ортиқча гап орттирмай деган фикрга борганмикан? Аслида маданият ишлари вазирининг бурчи — нафақат ўз ходимларини ишлатиш, ўрни келганда уларни ҳимоя қилиш ҳам эмасми?

Бу масалага бошқача тус бериб, ваҳима кўтармоқчи бўлганлар эътиборига айтиб қўймоқчимиз: туман маданият ишлари бўлими Халқ демократик партияси туман кенгаши конференциясига ташриф буюрганлар учунгина концерт қўйган, концертда қанча одам қатнашгани, улар кимлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Айтмоқчимизки, бу концерт дала ишларига халақит бермаган. Қолаверса, ғўзани парвариш қилиш маданият ходимларининг иши эмас, фермер хўжаликлари, ширкат хўжаликларининг иши. Маданият бўлими хўжалик таклиф қиладими, жамоат ташкилотлари таклиф қиладими, қатъи назар хизмат кўрсатишга ҳақли.

Бир қараганда унчалик муҳим бўлмаган масалага бунчалик эътибор бераётганимиз сабабини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Гап бир туман маданият бўлими раҳбарининг ишдан бўшатилганида эмас, одамни ташвишга соладиган томони туман раҳбарининг ҳаёти-ҳаракатидан эски замоннинг асорати сезилиб турганида. Собиқ шўро замонида пахтага айнан ана шундай сиғиниб қарашлар, одамлар ҳақ-ҳуқуқини менсимай поймол қилишлар оқибатида ўша тузумга нисбатан одамларда ишончсизлик, норозилик пайдо бўлган эди. Сўнгги 13 йил давомида пахта яккаҳокимлиги, «план — қонун, уни бажармаслик — жиноят» каби кўр-кўрона ҳаракатларга чек қўйилди. Инсон манфаати биринчи ўринга кўтарилган, одамларга меҳр-мурувват кўрсатишни кучайтиришга давлат миқёсида эътибор берилаётган бир пайтда қаердадир, қайсидир раҳбар, амалдор одамлар тақдирига беписанд бўлса, ўзини хон, қўланкасини майдон ҳисобласа, пахтага нисбатан эскича муносабатни ўзига дастур қилиб олган бўлса... Бундан нима кутиш мумкин? Бундай хатти-ҳаракат одамларга, жамиятга, давлатга қанчалик фойда ёки зарар келтириши мумкин? Ўзини осмонда ҳисоблаб, оддий одамларни менинг измимда юрувчилар, менга бўйсунувчилар деб қараш кайфияти раҳбарни одамларга яқинлаштирадими ёки одамлардан узоқлаштирадими?..

Бу каби саволлар устида ўйлаш, жавоб излаш масалага анча ойдинлик киритади деган фикрдамиз.

**Сафар ОСТОНОВ,**
***Бош муҳаррир.***

# КИЧИК ОЛИМПИАДАНИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ





*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Кичик олимпиада, дея эътироф этилаётган универсиада баҳслари аввалгиларидан бирмунча фарқ қилади. Спортнинг 12 тури бўйича ўтказилаётган мусобақалар илк маротаба олимпия тизими асосида уюштирилмоқда. Бу эса ҳар бир учрашувнинг қизғин ва муросасиз ўтишини таъминлаяпти. Баҳсларда мамлакатимиздаги мавжуд 62 та олий таълим муассасаларининг шаҳар ва вилоят босқичларида сараланган 2800 нафар энг чаққон, энг абжир талаба-ёшлари ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

Самарқанд жуда кўплаб анжуманлар, нуфузли тадбирларга мезбонлик қилган. «Универсиада — 2004» мусобақаларини юқори савияда ўтказиш учун ҳам кўнгилдагидек ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Мусобақа қатнашчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида шаҳарнинг тарихий обидаларига саёҳатлар уюштириляпти, ёзувчи-шоирлар, фан арбоблари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

— Илк маротаба бундан икки йил муқаддам Бухоро универсиадасида иштирок этгандим, — дейди биз билан суҳбатда Жиззах Давлат педагогика институти кимё-биология факультети IV курс талабаси Фотима Аҳмедова. — Гарчи, Самарқанд универсиадасида стол тенниси баҳсларида юқори натижани қўлга киритмаган бўлсам-да, мусобақалар менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, етти иқлимга машҳур Самарқанднинг тарихий обидаларини томоша қилиб, катта таассуротлар олдим.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари 230 та олтин, 230 та кумуш ва 251 та бронза медали, тегишли диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши мўлжалланган. Бундан ташқари, умумжамоа ҳисобида кучли учликни эгаллаган спортчиларга 3 та «Дамас» русумли автомобиль топширилади.

Ҳозиргача мусобақа дастуридан жой олган кураш, белбоғли кураш, сузиш сингари турлар бўйича кучлилар саралади. Жумладан, кураш беллашувлари якунида умумжамоа бўйича етти вазн тоифасида мезбонларга тенг келадигани топилмади. Тошкент вилояти ва пойтахтликлар шоҳсупанинг фахрли иккинчи ҳамда учинчи поғоналарини эгаллашди. Универсиада беллашувлари белбоғли кураш тури мамлакатимизда жадал оммалашаётганлигини кўрсатиб берди. Бухороча усулда Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари полвонларининг ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олганлиги бунинг исботидир.

— Бухорода ўтган универсиадада кумуш медалга сазовор бўлгандим, — дейди Термиз Давлат университети 4 курс талабаси Абдуҳамид Мирзаев (55 кг). — Самарқандда Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари полвонлари курагини ерга тегизиб, олтин медаль билан тақдирландим. Энди уйга Самарқанддан катта таассурот ва аъло кайфиятда қайтаман.

Бошқа спорт турлари бўйича ҳам баҳслар қизғин паллага кирди. Ғолибликка асосий даъвогарлар номи деярли аниқ бўлиб қолди. Кимлар ғолиб бўлишини мусобақалар якуни кўрсатади. Аммо, «Универсиада — 2004» шарофати билан қадим шаҳарда ўтган қувончли кунлар ҳар бир қатнашчи хотирасида қолиши аниқ.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

**Суратларда:** «Универсиада — 2004» мусобақаларидан лавҳалар.

**Т.НОРҚУЛОВ, Д.ЮСУПОВ (ЎзА), Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар**

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

**ФАРҒОНА (ЎзА, М.Сулаймонов).** Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» теннис мажмуида теннис бўйича ёшлар ўртасида «Fergana cup» халқаро турнири якунланди. Унда Япония, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Украина, Молдовия каби 12 мамлакатдан 62 нафар теннисчи иштирок этди.

Қизлар ўртасидаги яккалик баҳсларида биринчи ўрин исроиллик Александра Кичуткинга насиб этди. Жуфтлик ўйинларида ҳам Исроил вакиллари А.Кичуткин ва Керен Шломо ғалаба қозонди.

Ўсмирлар ўртасида ҳамюртимиз Важа Узоқов мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Жуфтлик ўйинларда ҳам В.Узоқов (Ўзбекистон) ва Э.Гаспарян (Россия) биринчиликни эгаллади.

**Интер-спорт**

## РОНАЛДО ЯНА УЙЛАНМОҚЧИ

Бразилияда тарқалган гапларга қараганда, жаҳон футбол юлдузи Роналдо яна қонуний никоҳдан ўтишга ҳозирлик кўраётган эмиш. Унинг бу сафарги турмуш ўртоғи модалар бўйича юлдуз Даниэль Чичарелли. Яқинда Роналдо машғулот майдонига ўзининг янги ҳамроҳи билан ташриф буюрди. Улар кўринишдан бағоят бахтли экани кўзга ташланарди. Эслатамиз, Роналдо ўзининг биринчи хотини Милене Домингесс билан орани очиқ қилиб бўлган.

## ЭНГ ЯХШИ ЖАМОАЛАР

Халқаро футбол статистикаси ва тарихи федерацияси ўзининг навбатдаги йиғилишида жаҳондаги 350 жамоа рейтингини эълон қилди. Маълум бўлишича, бу галги кузатувлардан кейин пешқадамлар ўрни ўзгарган. Хусусан, Мадриднинг Реал жамоаси 5-ўриндан 1-ўринга кўтарилди. Бу жамоа ҳисобида 289 очко бор. 284 очко жамғарган «Валенсия» жамоаси эса 3-ўриндан 2-ўринга чиқди. 3-ўринни эса 7-ўриндан кўтарилган «Манчестер Юнайтед» эгаллади. «Сан-Пауло» жамоаси 2-ўринни 4-ўринга алмаштиришга мажбур бўлди. Кучли бешлик қаторида 9-ўриндан 255 очко билан юқорига кўтарилган «Монако» ҳам бор.

**Нилуфар ЗИЯТОВА, талаба**

**Ҳикматли сўзлар маъноси**

### САЛОМ ҲАМ — ФАРЗ, АЛИК ҲАМ — ФАРЗ

«Салом ҳам — қарз, алик ҳам — қарз»; «Ассалому алайкум»га — «Ва алайкум ассалом»; «Салом бермоқлик — катта кичикка баробар»; «Аввал — ассалом, бўлмаса — васаллом» (васаллом — гап тамом, бошқа гап йўқ, бошқа гап бўлиши мумкин эмас); «Одоблилик белгиси — эгилиб салом бергани, яқинлилик белгиси — келиб-кетиб тургани». Фарз — бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч. Бировга салом бериш — уни холис ҳурмат қилиш, демакдир.

Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, болани ёшлигиданоқ, тили чиққаниданоқ салом беришга ўргатадилар. Одоб юзасидан, ёшлар ўзларидан катта ёшдагиларга аввал салом беришлари, улар алик олишлари лозим. Ўзидан катта ёшдагиларни қаерда бўлмасин, кўрганда салом бермай, индамай ўтиб кетиш — хоҳ ўғил учун, хоҳ қиз учун ниҳоятда тарбиясизлик ҳисобланади. Мазкур мақолларни айтиш билан ана шу тартиб-қоидалар юзасидан таълим берадилар.

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

***2004 йил 7, 14 октябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Ўзбекистон Республикаси «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси, «Motor zavodi» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли қурилиши тугалланмаган муҳандислик-лаборатория корпуси:

1. «А» блоки,
**Бошланғич баҳоси — 158 752 400 сўм.**
2. «Б» блоки,
**Бошланғич баҳоси — 53 237 200 сўм.**
3. «В» блоки,
**Бошланғич баҳоси — 3 781 400 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уй-жойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000404265383001, КОД-00425, СТИР 204563716 ўтказилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

**Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз:** ***Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 2-хона.***

**Маълумот учун телефонлар:** ***133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.***

***Веб сайт: www.rkmb.uz***

**Хизматлар лицензияланган**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

**Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг молияга доир ёрдамчи тармоқларини, мамлакатнинг банк тизимини такомиллаштириш биз учун биринчи навбатдаги вазифадир», — деган эдилар. Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ва самарали ишловчи банк тизимини яратиш мустақилликнинг биринчи кунларидан Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлди.**

**Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан истиқлолнинг илк давридан бошлаб иқтисодий мустақилликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг йилдан-йилга ривож топишига ҳамда молиявий мустақиллигига эришиш устувор вазифалардан бири қилиб қўйилди.**

**Мазкур устувор вазифаларни бажариш ва уларни амалга оширишда, мустақилликнинг илк даврида ташкил этилган «Замин» давлат акционерлик ипотека банкининг хизматлари ҳам ўз ўрнини топди ва бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланди.**

**«Замин» давлат-акциядорлик ипотека банки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 СЕНТЯБРДАГИ 350-сонли қарори билан 20 млн. сўм бошланғич низом жамғармаси билан ташкил топган.**

# «ЗАМИН» БАНК: БАРҚАРОРЛИК ВА ИШОНЧЛИЛИК

## ЎЗИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЁТГАН БАНКНИНГ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ

Банкнинг асосий таъсисчилари қаторидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси (20%), Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (8%) ва бошқалар ўрин олди.

«Замин» банки Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Республика тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси, Халқаро эмиссион синдикат каби йирик ташкилот ва уюшмаларнинг аъзоси ҳисобланади.

Банк 1995 йилнинг 14 ноябр куни банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 52-сонли лицензиясини ҳамда 1996 йилнинг 4 июль куни валюта амалиётларини юритиш ҳуқуқини берувчи бош лицензиясини олишга муваффақ бўлди.

Банкда қабул қилинган таваккалчиликни бошқариш тизими ўтган йилларда банк активларининг оптимал тузилмасини ушлаб туриш ҳамда банкнинг асосий молиявий кўрсаткичларини мунтазам равишда ижобий томонга ўзгариб боришини имконини берди. Маблағ қўйилмалари банкнинг стратегик мақсадлари асосида ва Марказий банкнинг меъёрий талабларига риоя этган қолда амалга оширилди.

Активлар ва мажбуриятларни бошқариш жараёни учта асосий кўрсаткич: ликвидлик, даромадлилик ва таваккалчилик даражалари ўртасидаги оптимал мутаносибликни сақлаш тамойилига асосланган.

Жумладан, банк капитали жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 2 млрд. 290 млн. сўмни ташкил этди.

Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар ҳажмини мунтазам ошириб бориш эвазига даромад келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш чоралари кўрилди. Банкнинг даромад келтирувчи активлари ўсиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 7 млрд. 736 млн. сўмни ёки соф активларнинг қарийб 69,8 фоизини ташкил этди.

Банкнинг жами кредит қўйилмалари шу йилнинг 1 июль ҳолатига 7 млрд. 546 млн. сўмни, соф активлардаги улуши эса 68,1 фоизни ташкил этмоқда.

Кредит қўйилмалари таркибини иқтисодиёт тармоқлари бўйича жойлаштирилишини таҳлил этсак, унинг асосий қисмини, яъни 42,5 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган кредитлар ташкил этади. Шунингдек, кредит қўйилмаларининг 20,7 фоизи саноатга, 9,4 фоизи айланма маблағларни тўлдиришга, 6,4 фоизи қурилишга, 2 фоизи хизмат ва 19 фоизи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилди.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига жами кредит қўйилмаларининг 2 млрд. 947,5 млн. сўми ёки 39,1 фоизини қисқа муддатли кредитлар ташкил этса, 4 млрд. 598,4 млн. сўми ёки 60,9 фоизи ўрта ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга, шу жумладан кичик бизнес субъектларига йўналтирилган.

Банк ўзининг стратегик ҳамкорлари ҳисобланмиш кичик бизнес вакиллари бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик ва ўрта корхоналар, хусусий фирмаларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига банк кредит қўйилмалари қолдиғининг 4 млрд. 879 млн. сўми ёки 64,7 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ташкил этади. Жорий йил давомида берилган кредитлар натижасида шу йилнинг ўзида 3028 та ишчи ўринлари яратилди ва мазкур кредитлар пировардида 572,6 млн. сўмлик маҳсулотлар яратилди.

Банк томонидан мижозларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, бугунги кунда мазкур мижозлар томонидан молиявий барқарор фаолият кўрсатаётганларига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

«Олтин-Шер-Навоий» хусусий фирмасига яхна ичимликлар ишлаб чиқариш учун 35 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда корхонада 15 янги ишчи ўринлари яратилган. Фирма ўтган 2003 йил давомида 149,5 млн. сўмлик маҳсулот сотган, соф фойда ҳажми 49,9 млн. сўмни ташкил этган. Ҳозирги кунда фирма ўзининг савдо мажмуасига эга ва улгуржи савдо билан шуғулланиб келмоқда. Фирма ўз ишлаб чиқариш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида «Вольсон Шарқ Энтерпрайзес» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасининг ҳамда «УзПолет» корхонасининг полиэтилен идишлар ишлаб чиқариш, этикетка ва қадоқлаш бўйича ускуналарини ўрнатган.

«Зарафшон» хусусий корхонасига пахта ёғини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун банк томонидан 250 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Кредит маблағи ҳисобидан корхона бино, ускуналар ва хомашё сотиб олинган. Корхона 2004 йил 1 январдан пахта ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳозирги кунда корхонада 60 та янги ишчи ўринлари ташкил қилинган.

«Заршед» хусусий фирмасига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 100 млн. сўм миқдорида банк томонидан ўрта муддатли кредит ажратилган бўлиб, кредит маблағи ҳисобига фирма жўжа, жўжаларни боқув цехи ва товуқлар сотиб олинган. Фирмада 22 та янги ишчи ўринлари яратилган. Бугунги кунда фирмада 60 минг дона товуқ мавжуд. Ўтган йили фирма 250 млн. сўмлик маҳсулот етиштирди ва аҳолига етказган ҳамда ушбу даврда олинган соф фойда 17 млн. сўмни ташкил этди.

«Салис» хусусий фирмасига бинолар томини ёпиш учун мўлжалланган черепица ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида банк томонидан 60 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Кредит маблағи ҳисобидан ишлаб чиқариш ускуналари ва хомашё сотиб олинган. Ҳозирги кунда корхонада 12 та янги ишчи ўринлари яратилган. Корхона ўтган йил давомида 216 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Ҳозирги кунда корхона тўла қувватда черепица ишлаб чиқаришни амалга оширмоқда.

Молиявий барқарор фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини банк хизматига жалб этиш ўтган йилларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланганлиги туфайли банк томонидан хизмат кўрсатилувчи мижозлар сони бир маромда ортиб борди. Бугунги кунда мижозлар сони қарийб 15,6 мингтани ташкил этмоқда.

Ўтган давр давомида банк активларининг мунтазам кўпайиб боришини таъминлаш мақсадида банк ресурс базасини мутаҳкамлаш, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинча бўш маблағларини депозитларга жалб этишни кенгайтириш ишлари давом эттирилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида банк ресурслари жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 6 млрд. 540,2 млн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, аҳоли ихтиёридаги бўш маблағларни омонатларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, банк ўз омонатчиларига бугунги кунда аҳолининг турли қатламларига мўлжалланган 8 турдаги омонатлар таклиф этмоқда. Ҳозирда банк томонидан аҳолининг 1 млрд. 453,7 млн. сўм миқдоридаги маблағлари омонатларга жалб этилди.

Банк томонидан эълон қилинган Низом капитали шу йилнинг 1 июль ҳолатига 1 млрд. 439,3 млн. сўм миқдорида шакллантирилди. 6000 дан зиёд юридик ва жисмоний шахслар банк акцияларининг эгаларидир.

Банк қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига банкнинг қимматбахо қоғозлар портфели 178 млн. сўмни ташкил этади. Банкнинг қимматбаҳо қоғозлар портфелига 9 та акциядорлик жамиятларининг акциялари киради ва банк уларнинг 2 тасининг фаолиятини бевосита бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этади.

Банкда пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул эмиссиясини қисқартириш ҳамда иш ҳақи юзасидан муддати ўтган қарзларни қисқартириш борасидаги ишларда ҳам ўтган даврда бир қадар ижобий натижаларга эришилди.

Банк томонидан биржадан ташқари валюта бозорига валюта жалб қилиш, валюта айирбошлаш шахобчалари ишини фаоллаштириш, хорижий тўловларни амалга ошириш бўйича валюта амалиётларини тўлиқ амалга ошириб келмоқда.

Валюта амалиётларидан бири халқаро пул ўтказмаларини йўлга қўйиш мақсадида, «Western Union» компанияси билан ҳамкорликда халқаро пул ўтказмаларини тез ўтказиш хизмати бўйича «Замин» банкида 15 та пул ўтказиш шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу шахобчалар малакали ходимлар билан таъминланган ва халққа беминнат хизмат кўрсатмоқда. Халқаро пул ўтказмалари бўйича банкнинг барча вилоят филиалларига қарашли бўлган «Western Union» шахобчалари фаол ишлаб келмоқда.

Бугунги кунда банкнинг вилоятларда мини-банкларнинг тармоғи кенгайтирилмоқда, натижада жами 36 та, шу жумладан, Қашқадарё вилояти қошида – 6 та, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси қошида – 4 тадан, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари қошида – 3 тадан, Навоий, Хоразм, Андижон вилоятлари қошида – 2 тадан, Жиззах ва Тошкент шаҳри қошида 1 тадан мини-банклар ташкил этилган. Ишлаётган мини-банклар томонидан мижозларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Банкимизни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ва мустаққамлаш масаласи қам банкнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Бугунги кунда ходимлар сони банк тизимида 547 тани ташкил этиб, шулардан 364 таси олий маълумотли банк соқасининг мутахассисларидир.

Банк томонидан олиб борилган кадрлар сиёсати натижасида охирги 5 йил давомида ҳар йили 2 нафардан раҳбар ходим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига тингловчилар сафига қабул қилиниб, аъло билим даражалари билан ушбу ўқув даргоҳида таҳсил олиб қайтдилар.

Мазкур ходимларнинг «Замин» давлат — акциядорлик ипотека банкида фаолият кўрсатиб, ушбу банк тизимидан тўғридан – тўғри юқори органларга ишга таклиф этилганликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Яъни ушбу ходимлар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ва бошқа вазирликларда фаолият кўрсатмоқдалар.

Ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш бўйича вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш банк зиммасига катта масъулият юклайди.

Охирги йилларда республика банк тизимидаги ўзгаришлар шуни кўрсатдики, келажак бизнесни фаол ривожлантираётган, кўрсатилаётган хизматлар доирасини ва ҳажмларини мунтазам кенгайтириб бораётган, улар сифатини такомиллаштираётган, ўз фаолиятида замонавий фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини татбиқ қилаётган универсал банкларникидир.

«Замин» давлат-акциядорлик ипотека банки ҳам мазкур ўзгаришларни ва янгиликларни ҳаётга татбиқ қилган қолда Ўзбекистонда илғор, йирик универсал банкларнинг олдинги қаторида ўз ўрнини топиш қамда барқарорлигини янада ошириш каби устувор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Банкнинг матбуот хизмати**

t

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1061
7837 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti —
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA